



Ислом Нури

... ..
... ..
}
... .. {).

Имом Бухорий Анас розияллоху анхундан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Ким бир намозни унутса, эсига тушган пайт ўқиб олсин. Бунинг шундан бошқа каффорати йўқдир», дедилар. (Кейин ушбу оятни ўқидилар:) **«Мени зикр қилиш учун намозни барпо қилинг.»** («Тоҳа» : 14-оят.)

... ..
... ..
:
... ..
... .. «... ..»
... ..
... ..
... ..
... ..
... ..
... ..
... .. «... ..» :
... ..
... ..
... ..
... .. «... ..
... ..»

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Абу Қатода розияллоху анху шундай дейди: Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга кечаси йўл юрдик. Баъзилар: «Бизга бироз дам берсангиз, ё Расулаллоҳ» дейишган эди: «Намоздан ухлаб қолишларингиздан қўрқаман», дедилар. Билол: «Мен сизларни уйғотаман», деди. Шундан



Ислom Нури

сўнг ётишди. Билол ҳам туясига суяниб ўтириб, кўзларига уйқу ғолиб келиб, ухлаб қолди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам уйғонганларида қуёшнинг бир чети кўриниб қолган эди. Шунда: «Эй Билол, бизга нима деган эдинг?!», дедилар. У: «Ҳеч қачон мен бундай ухламаган эдим», деди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Албатта, Аллоҳ Ўзи хоҳлаган пайт руҳларингизни олиб, Ўзи хоҳлаган пайт уларни сизларга қайтарди. Эй Билол, туриб одамларни намозга чорланг», дедилар. Сўнг таҳорат қилдилар. Кун кўтарилиб, ёришгач, туриб намоз ўқидилар.

Қўйиб берилган ҳақларни қайтариш ва ўқилган намозларни қайтариш ҳақиқатдан ҳам мумкин. Бу ҳақда Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир Ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу Хандақ жанги кун кун ботганидан сўнг келди-да, Қурайш кофирларини сўка кетди, «Ё Росулalloҳ, асрни ўқиёлмадим, ҳатто кун ботаёзди», деди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга қасамки, мен ҳам ўқимадим», дедилар. Сўнг Бутҳон водийсига келдик. Ул зот намозга таҳорат қилдилар, биз ҳам таҳорат қилдик. Асрни кун ботганидан кейин ўқидилар, ортидан эса шомни ўқидилар.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Жобир Ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу шундай дейди: Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу Хандақ жанги кун кун ботганидан сўнг келди-да, Қурайш кофирларини сўка кетди, «Ё Росулalloҳ, асрни ўқиёлмадим, ҳатто кун ботаёзди», деди. Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Аллоҳга қасамки, мен ҳам ўқимадим», дедилар. Сўнг Бутҳон водийсига келдик. Ул зот намозга таҳорат қилдилар, биз ҳам таҳорат қилдик. Асрни кун ботганидан кейин ўқидилар, ортидан эса шомни ўқидилар.



Шарҳ:

Баъзан мусулмон киши ухлаб қолиб ёки унутиб ё эса тўхтовсиз жанг майдонида бўлиб, намозини ўз вақтида ўқий олмаслиги мумкин, бироқ бошқа нарсалар намозни вақтидан кечиктиришга узр бўлмайди. Аллоҳ таоло бандаларига меҳрибонки, уларни бу ғафлати учун ҳисоб-китоб қилмайди, балки бу моънелик кетиши биланоқ намознинг қазосини ўтаб қўйишга буюрди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар:

1. Аллоҳ таолонинг раҳмати кенг бўлиб, мусулмон бандаларига кўп нарсани енгил қилган.
2. Ким намозга уйғотадиган сабабларни муҳайё қилгандан кейин ҳам ухлаб қолса ёки эсидан чиқиб қолса, эсига тушганда намозини ўқийди ва унга каффорат вожиб бўлмайди.
3. Қазо бўлган намозлар агар 5 тагача бўлса тартиб билан ўқиш вожиб, ундан ортиб кетса тартиб шарт эмас.